

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
МЕНЕЖМЕНТ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ АҲАМИЯТИ**

ҳалқаро илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами

**Ўзбекистон, Тошкент ш.,
2020 йил 20 май**

УЎК: 658.01:6П2.15.7:338(575.1)

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги 5953-сонли фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга ошириш” дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури” да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг илмий асосларини аниқлашга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида 2020 йил 20 май куни Тошкент давлат иқтисодиёт университети Корпоратив бошқарув факультетининг Корпоратив бошқарув ва Менежмент кафедралари ҳамда Россия Федерациясининг Урал давлат иқтисодиёт университетининг Иқтисодий назария ва корпоратив иқтисодиёт кафедраси иштирокида “Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти” мавзусида халқаро илмий-амалий ўтказилган илмий-амалий конференцияга келиб тушган илмий мақолалар жамланган.

Унда қуйидаги шўъбалар бўйича мақолалар тизимлаштирилган:

- Рақамли иқтисодиётда менежментнинг ўрни.
- Рақамли иқтисодиёт соғлом рақобат муҳити таъминланишининг етакчи омили.
- Рақамли иқтисодиёт инновацион менежментнинг асоси.
- Акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибadorлигини оширишда корпоратив бошқарув механизмларидан фойдаланиш.
- Корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни.

Мақолаларда келтирилган маълумотларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

ТДИУ ректори, т.ф.д., проф. К.А.Шарипов умумий таҳрири остида.

Таҳрир хайъати: и.ф.д., доц. К.Б.Ахмеджанов, и.ф.д., проф. Н.Қ.Йўлдошев, DSc. проф. Р.Карлибаева, доц., Н.Т.Урмонов, и.ф.н., доц. М.Умарходжаева, и.ф.н., доц. А.А.Темиров, PhD. Б.Н.Уринов, PhD. А.Ж.Хўжамуродов, кат. ўқт. А.К.Шермухамедов, кат. ўқт. О.Д.Джурабаев.

© *Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2020*

155.	Шермухамедов А.К.	Цели и задачи экспортной политики в республике Узбекистан	492
156.	Эльбусинова У.Х. С.Т. Турғунбоев	Тижорат банклари кредит операцияларини бошқаришда банк инфратузилмасининг ўрни	495
157.	Эльбусинова У.Х. Мадумаров Ж.К.	Ўзбекистон тўлов тизимини бошқаришда марказий банкнинг ўрни	497
158.	Хо'jamurodov A.J. Esanov S.F.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida investitsiya faoliyatida davlat ishtirokini tartibga solishning metodologik asoslari	500
5-ШЎЪБА. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ			
159.	Абдужапарова Н.Т.	Темир йўл транспорти тизимида молиявий бошқарув муаммолари ва ечимлари	504
161	Жураев Ш.Ж.	Нефт ва газ компаниялари самарадорлигини корпоратив бошқарув тизими	506
162	А.Р. Исмаилов	Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув институционал жиҳатларини такомиллаштириш	508
163	Карлибаева Р.Х.	Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш	511
164	Рашидов Ж.Х. Шермухамедов А.К.	Необходимость цифровой оценки акций компании в пандемическом состоянии	517
165	Махмудов С.Б. Икрамов А.И.	Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда рақамли иқтисодиётнинг ўрни	519
166	Ташмухамедова К.С. Ниғматжонов Д.Ф.	Некоторые аспекты качества корпоративного управления в цифровой экономике.	522
167	Ташпулатов Г.Т.	Пандемия шароитида компания акциялари қиймати баҳоланишини рақамлаштиришнинг зарурати	524
168	Темиров А.А. Шахобиддинов Н.З.	Корхонанинг молиявий ресурсларга эҳтиёжини таъминлаш истиқболлари	527
169	Хидирова М.Р.	Рақамли иқтисодиётда корпоратив бошқарувнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш	529
170	Хомитов К.З.	Гаров объекти ва мулк қийматини баҳоловчилар фуқаролик жавобгарлигини суғурталашни такомиллаштириш	531
171	Shukurov S.I.	The importance of Household Banking and Digital economy in Low-trust Nations	534
172	Yakubova S.S.	Corporate governance in public-private partnership	536
173	Вафоева Д.И.	Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда	539

	Ходжамуратова Г.Ю.	пахта тўқимачилик кластери тизимини ривожлантириш омиллари	
174	Абдуллаева Н.С.	Ўзбекистонда автомобиль саноатининг вужудга келиши	542
175	Джурабаев О.Д.	Цифровизация и формирование модельных пчеловодческих хозяйств и модернизированных межотраслевых связей в пчеловодстве	545
176	Мусахонзода И.	Сарф-харажатларни самарали бошқариш орқали соф молиявий натижани максималлаштириш имкониятлари	552
177	Худойкулов Х.Х. Илҳомов Ж.Ф.	Мамлакатимизда тадбиркорликлик фаолияти рискинни минималлаштиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлили	555
178	Илҳомов Ж.Ф. Ахмаджонов Ш.Ш.	Тадбиркорлик фаолиятида рискларни минималлаштиришнинг муҳим жиҳатлари	556
179	Хамзаев А.Н. Давронов Х.З.	Корхоналарни модернизациялаш ва инновацион фаолияти жараёнида корпоратив бошқарувнинг роли	558
180	Режаббаев С.У.	Қимматли қоғозлар бозорида акциядорлик жамиятлари фаоллигини ошириш	562

МАМЛАКАТ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА ПАХТА ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Пахта тўқимачилик кластери тизимини ривожлантириш мамлакатимизда экспорт салоҳиятини оширишда муҳим вазифалардан саналади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти - Саммитидаги нутқида илгари сурилган ташаббуслардан бири агросаноат кластерларни ривожлантириш ғояси бўлди. Бу инновацион ғоя тезда дунё илмий жамоатчилиги томонидан тан олинди. Масалан, АҚШда чоп этиладиган ва қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмончилик соҳасида дунёда етакчи илмий нашр ҳисобланган «Agriculture and Forestry» халқаро илмий-таҳлилий журналида Ўзбекистонда «Пахта тўқимачилик кластери таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ҳамкорлиги базаси сифатида» сарлавҳали мақола чоп этилди¹⁷⁵.

Кластер иқтисодиётида янги хўжалик юритиш тизимини шакллантириш йўли ҳисобланиб, ўзаро пировард маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва географик яқин бўлган корхона ва ташкилотларни ўз ичига олган тизимдир.

Кластер тизимининг асосий мақсади – ишлаб чиқаришда юқори кўшимча қийматга эга бўлган экологик тоза, экспортбоп, Ўзбекистон бренди билан маҳсулотлар яратиш, аҳолининг кенг қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва муносиб меҳнат шароити яратиш каби муҳим ижтимоий масалалар ечимидир. Шу билан бирга мамлакатимизда кластерлар тизимини ривожлантиришдан мақсад, ҳудуд ичида жойлашган бир хил соҳа корхоналарини ва улар билан ягона технологик занжирда бўлган таълим, илмий, инженеринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш, инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар яратишга йўналтиришдан иборатдир. Бунда аҳолини иш билан таъминлашдек муҳим жиҳат ҳам ўзини намоён этади.

«Кластер» назариясини ўрганиш жаҳон жамиятида тез суръатларда ўсиб бормоқда ва уни амалиётда қўллаш эса миллий ва минтақавий иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишига айланмоқда. 1980 йиллардан кейин «Кластер назарияси»нинг ривожланишида 3 та муҳим (Америка, Британия ва Скандинавия ва бошқа) илмий мактаблар ютуқларини кўришимиз мумкин.

Америка олимлари - М.Портер -«Рақобат устунлиги назарияси», М.Энрайт, С.Резенфельд, П.Маскелл ва М.Лоренценлар «Минтақавий кластерлар концепцияси», А.Маршалл «Саноат ҳудудлари назарияси», П.Бекатин «Италян саноат округлари назариялари», М.Сторпер «Идеал ҳудудий кластер»

¹⁷⁵ www.mineconomu.uz

назарияларини яратган. Қўшимча қиймат ва кластерлар занжири уйғунлиги, минтақаларни ўқитиш концепциялари ҳам шу гуруҳдан ўрин олган¹⁷⁶.

Айнан шу олимлар назарияларида кластерлар - ишлаб чиқарувчилар рақобат устунлигини оширишда юқори самарали бўлиб, уларнинг ҳудуддаги таълим, фан, технологик, иқтисодий ва бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти билан уйғунлашган тизими эканлиги таъкидланади.

Британия назариётчиларининг (Ж.Даннинг, К.Бримен, Шмит, Ж.Хамфрилар) фикрича, кластер - ўзаро ҳамкорликдаги институтлар тизими сифатида иқтисодиётнинг асосини белгиловчи институционал назариялардир.

Скандинавия олимлари (Б.О.Лундвалъ, Б.Йонсон, Б.Асхайм, А.Изаксон) - кластернинг эволюцион ривожини бир қатор босқичлардан ўтишини айтишади, яъни туғилишидан тугагунича.

Кластерлар назарияси рус олимлари Ю.С.Артамонова, Б.Б.Хурусталиев ва бошқалар томонидан ҳам ўрганилиб, амалиётга татбиқ этиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Юқоридаги назарияларни яратилиши ва уларнинг амалий аҳамияти мамлакатлар, тармоқлар ва корхоналар иқтисодиёти рақобатдошлигини ошириш ва юқори самарадорликка эришишни назарда тутади.

Шундай қилиб, хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар таҳлилларида «кластер» тушунчасига қуйидаги таърифлар берилган¹⁷⁷:

➤ “Кластер” - битта соҳага бирлашган ва бир-бири билан узвий алоқада бўлган корхоналар гуруҳи.

➤ “Кластер” - битта географик ҳудудда жойлашган ва битта тармоқни ташкил қиладиган корхоналар гуруҳи.

➤ “Кластер” - махсус соҳалар бўйича битта географик ҳудудда фаолият юритаётган, бир-бири билан боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи компаниялар, институтлар гуруҳи.

➤ “Кластер” - горизонтал ва вертикал равишда функционал боғлиқ бўлган корхоналар гуруҳи.

➤ “Кластер” - жамоавий, хусусий ва ярим жамоавий кўринишда бир-бири билан боғлиқ ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи корхоналар, тадқиқот ва ривожланиш институтлари гуруҳи.

➤ “Кластер” - тижорат ва нотижорат ташкилотлари гуруҳи бўлиб, у гуруҳда фаолият юритаётган ҳар бир корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

➤ “Кластер” - ҳудудий концентрациялашувига асосланган ва технологик занжирга боғланган товар ва хом ашё етказиб берувчилар, асосий ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирган индустриалашган мажмуа.

Кластернинг шаклланишида давлатнинг роли муҳим ўрин тутади. Агар дастлаб кластерлар фақат бозорнинг кўринмас қўли (рақобат) туфайли, аввало, трансмиллий компанияларни замонавийлаштиришда ташкил этилган бўлса,

¹⁷⁶ Б.Ш. Усмонов, Ф.Х. Рахимов. Интеграция, инновацион муҳитни шакллантириш ва иқтисодиётни кластерлаштиришга комплекс ёндашув. Иқтисодиёт ва таълим. Т.: ТДИУ, 2019., №4. 79-86 б.

¹⁷⁷ М.А. Рахматов, Б.З. Зарипов. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Рисола. Т.: “Zamin Nashr”, 2018.-12 б.

кейинги вақтда кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматлари бу жараёнга сезиларли даражада таъсир этгани ҳолда уларга ёрдам бермоқдалар. Кластер стратегияси жозибдорлиги, йўналишларнинг турли-туманлиги боис ҳам, инновацион кластерларни давлатнинг ўзи шакллантиришини тақозо этмоқда.

Ривожланган давлатларнинг тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда, инвестицион фаолликни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда кластерларнинг ўрни ва аҳмияти жуда юқори бўлиб ҳисобланади.

Бугун дунёдаги кўпгина етакчи давлатлар иқтисодиётининг қарийб 50 фоизи кластер усулига ўтган. Масалан, Европа Иттифоқида 2 мингдан зиёд кластерлар мавжуд бўлиб, уларда ишчи кучининг 38 фоизи қамраб олинган. Дания, Финландия, Норвегия, Швеция саноатида тўлиқ кластер усули татбиқ қилинган. Масалан, Германияда яқин вақтгача минтақавий кластерлар ривожланиши давлат аралашувисиз кечар эди. Бироқ 2003 йилда ҳукумат кластер ташаббусларига жиддий эътибор қаратди. Бу, биринчи навбатда, юқори технологияли соҳаларни лойиҳалашда амалга оширилди. Давлат нафақат маҳаллий, балки бошқа манбалар ҳисобидан саноат ва илмий марказлар куч-гайратини бирлаштиришни кўзда тутмоқда.

АҚШда эса мамлакатдаги мавжуд корхоналарнинг ярмидан кўпи шу тизимда ишлаб, улар томонидан тайёрланаётган товарлар ЯИМнинг 60 фоизини ташкил қилади.

Кластерларни шакллантириш жараёни Жанубий - шарқий Осиё, Хитой, Сингапур, Япония ва бошқа мамлакатларда фаоллашиб бормоқда.

Халқаро амалиётда синалган “Кластер” назариясига асосланган тажрибадан фойдаланиш, жумладан, иқтисодиётимизнинг тўқимачилик ва енгил саноат истиқболида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай мамлакат, ҳудуд ёки вилоят иқтисодиётининг рақобатбардошлиги, энг аввало, ишлаб чиқараётган товарларни маҳаллий ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги, яъни харидоргирлиги орқали аниқланади. Мамлакатнинг таълим тизимидаги ислоҳотлар ва барча илмий, маънавий-маърифий ривожланишларнинг якуний кўрсаткичи ҳам товарлар ва хизматларимизнинг замонавий бозорларда рақобатбардошлигининг таъминланиши билан баҳоланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, республикамизнинг 40 та туманида ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластерлари янги технологияларда ишни ташкил қилганлиги туфайли сўнгги 10 йил ичида биринчи марта йиллик ҳосилдан юқори ҳосил олинган.

Мамлакатимизда 2020 йилнинг якунига қадар 117 та туманда 91 та пахта-тўқимачилик кластер лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Бу республика умумий пахта экини майдонининг 87 фоизи демакдир¹⁷⁸.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар орасида кластер тизими муҳим аҳамият касб этади. Бунда Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар учун

¹⁷⁸ www.mineconomu.uz

асосий вазифаларни ҳал этиш, жумладан, кластер тизимида инновацион фаолиятдан самарали фойдаланиш тақозо этилади. Бунинг учун мамлакатимиз қисқа муддатда кластер тизимини ривожлантиришнинг инновацион йўлини замон талабларига жавоб берадиган даражага етказиши лозим. Айниқса, яратилаётган ярим тайёр маҳсулотларни айнан шу ернинг ўзида кластер тизими орқали тайёр маҳсулот ҳолига келтирган ҳолда, уни жаҳон бозорига олиб чиқиш ривожланаётган мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтиради. Кластер тизимини инновацион лойиҳалар ва инновацион технологиялар орқали амалга ошириш бутун жаҳон талабларига мос, сифатли ва харидоргир маҳсулотларни яратишимиз учун самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Н.С.Абдуллаева
Тошкент шаҳридаги Турин политехника
университети, изланувчи

ЎЗБЕКИСТОНДА АВТОМОБИЛЬ САНОАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Бугунги кунда жамият ҳаётини автомобилларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Автомобиллар аҳолининг турмуш даражасига таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланиб, ушбу соҳа инсон эҳтиёжларини қондириш ва унинг ривожланиши учун шароитлар яратиш каби муҳим вазифаларни бажаради.

Мамлакатимизда истиқлолга эришилган дастлабки йиллардан бошлаб пухта ўйланган ва босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган ислохотлар ўз натижаларини бермоқда. Республика иқтисодиётида саноатнинг кўп тармоқлари қаторида автомобиль ишлаб чиқариш саноати жадал тараққий этиб, мамлакат саноатининг локомотивларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан «... бизнинг илк муваффақиятларимиздан бири – иқтисодиётимиз учун мутлақо янги соҳа, автомобилсозлик соҳасининг туғилиши бўлди»¹⁷⁹ - деган фикрлари мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ айtilган бўлса, бугунги кунга келиб Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 мамлакатнинг бири эканлиги халқимизнинг тарихий ютуғи. Бу эса ўзбек миллатининг фахру ифтихоридир.

Бугунги кунда автомобилсозлик саноати ижтимоий ва илмий-техникавий тараққиётнинг асосий йўналишларидан биридир. Бу соҳада салмоқли натижаларга эришиш учун, биринчи навбатда, кенг кўламли вазифаларни ҳал этиш, рақобатбардош ва экспортбоп автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш ҳажмини босқичма-босқич амалга ошириш каби вазифаларни амалга ошириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 7 мартдаги «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-3698-сонли қарори, 2018 йил 1 июндаги «Автомобиль

¹⁷⁹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.:Ўзбекистон, 1999. – Б.413.